



Ислом Нури

Қўрашнинг асослари

Қўрашнинг асослари ҳақиқатдан ҳам асосий ва муҳим бўлиб, унинг асослари ҳақиқатдан ҳам асосий ва муҳим бўлиб, унинг асослари ҳақиқатдан ҳам асосий ва муҳим бўлиб:

Биринчи қисм: ибодатлар

Ибодатлар куйидагиларни ўз ичига олади:

1. Тахорат
2. Намоз
3. Закот
4. Рўза
5. Хаж
6. Курбонлик ва акика
7. Жиход

Тахорат

Тахоратнинг маъноси ва шариатдаги тушунчаси

Тахорат: Покизалик, озодалик деган маъноларни англатади.

Тахоратнинг шариатдаги тушунчаси: Бадандаги, намоз ва шунга ўхшаш ибодатлардан ман килувчи сифатларни кеткизишдир.

Сувлар

Сувнинг турлари:

Сув уч турли бўлади:



Ислом Нури

1- **Покловчи**; У ўзининг яратилиши сувлик холида турган сув бўлиб тахоратсизлик ва покиза жойга етган нажосат (нопоклик)ни кеткизади. Аллох таъоло айтадики: «**Сизларни поклаш учун устингизга самодан сув-ёмгир ёгдирди**». (Анфол:11.)

2- **Пок**; У покиза нарсалар аралашishi сабабли ранги ёки таъми ёки хиди ўзгарган сув.

Бу турдаги сув ўзи пок, лекин ўзидаги сифатларидан бирининг ўзгариши сабабли тахоратсизликни кеткизмайди.

3- **Нажас (нопок)**; у нопок нарса билан ўзгарган сув.

Нопок сувни, ундаги ўзгаришни кеткизиш ёки (покиза) сув кўшиб ундаги ўзгаришни кеткизиш билан покланади.

Мусулмон киши сувнинг поклиги ёки нопоклигида шак килса, аникликни танлайди. Асли покиза нарсалардаги аниклик покизалиқдир.

Сувнинг тахорат учун дуруст бўлгани билан дуруст бўлмаганини ажрата олмаса уни ташлаб таяммум килади. Кийимни покизаси билан нопокини ёки харомини ажрата олмаса, кийим аслида пок бўлганлиги учун, у билан бир вақтда намозини ўқийди.

Тахоратнинг турлари

Шариатда тахорат (покланиш-тозаланиш) икки турли маънавий ва хиссий бўлади.

Хиссий деб аъзойи баданни тозалигига айтилади. Маънавий деб



Ислом Нури

калбларни гуноҳ ва кибрлардан тозалашга айтилади.

Намоз ўқиш ниятида килинадиган тахорат ҳам хиссий тахоратлар жумласидан бўлиб, у икки турга бўлинади:

1-Тахоратсизликни кетказиб тоза бўлиш. У уч хилдир:

- Катта тахоратсизликдан покланиш, уни гусл (ювиниш) деб аталади.
- Кичик тахоратсизликдан покланиш, уни тахорат деб аталади.
- Мазкур икки тозаланишга имкон бўлмаганда кўлланадиган покланиш, уни тайаммум деб аталади.

2-масх тортиш.

3-сув сепиш ёки куйиш.

Идишлар

Идишдан мурод емиш ёки ичимлик турадиган буюм. Фукахолар идиш сўзини доим шу маънода истеймол қиладилар.

А- Идишларнинг турлари:

1. Тилла ва кумушдан ясалган идишлар.
2. Тилла суви юритилган идиш.
3. Кумуш суви юритилган идиш.
4. Ясалган моддаси ёки ясалиши кимматбаҳо бўлган идишлар.
5. Теридан бўлган идиш.
6. Суякдан бўлган идиш.
7. Мазкур идишлардан ташқари сопол, ёғоч, ёкут, гавхар, мис ва



Ислом Нури

бошка оддий идишлар.

Б-Идишларнинг шаръий ҳукми:

Тилла кумуш ва уларнинг суви юритилган идишлардан ташқари ҳамма тоза идишларни, кимматбаҳо бўлса ҳам, арзон бўлса ҳам ишлатиш мубоҳ (жоиз)дир. Бу ҳукм Ҳузайфа -розияллоху анху- пайгамбар саллаллоху алайхи ва салламдан ривоят қилган ҳадисга асосланади: «Тилла ва кумуш идишларда ичманглар ва бу иккисидан бўлган товоқларда еманглар. Чунки бу (нарсалар) дунёда улар (кофирлар) учун, охиратда сизлар учун» Бухорий ва Муслим ривояти. Рўзгор буюмларида ишлатиш харом қилинган нарсаларни бошка ўринларда ҳам ишлатиш харом бўлади. Мисол учун дўмбира ва бошка асбобларда. Мазкур ҳадиснинг умумийлигига кўра бу ҳукм эркак ва аёлларга баробар.

Асли пок нарсани поқлигида шак қилинса токи уни нопоқлиги аниқ бўлгунига қадар у нопоқ ҳисобланмайди. Чунки у аслида пок бўлган.

В- Гайридинларнинг идишлари.

У аҳли китоблар ва гайридинларни ўз ичига олади.

Бу идишларнинг шаръий ҳукми: Уларнинг нопоқлиги аниқ билинмаса, уларни ишлатиш мумкин (мубоҳ-жоиз). Чунки, идиш аслида пок бўлган.

Шунингдек гайридинларнинг кийимларининг нопоқлиги аниқ билинмаса пок ҳисобланади.

Гўшти (халол бўлган) ейиладиган ўлаксаларнинг терисини ошлаш



Ислом Нури

билан покланади.

Тирик хайвондан кесиб олинган нарса ўлаксадек харом бўлади. Аммо, юнг ва тукларни тирик хайвондан олинган бўлса ҳам пок бўлади.

Жобир -розияллоху анху- пайгамбар саллаллоху алайхи ва салламдан ривоят килган хадисга кўра сув идиш ва бошка идишларни огзини беркитиш суннат. Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам айтганларки: «Сув идишни беркит ва Аллохнинг исмини зикр кил (Бисмиллах дегин). Идиш устига бир чўп ташлаб бўлса ҳам уни беркит ва Аллох исмини ёд ет». Бухорий ва Муслим ривояти.

Истинжо (мустахаб) ва хожат одоблари

Истинжо (мустахаб): У кишининг олди ва орка пешобидан чикувчи нажосатни сув билан кеткизиш.

Истижмор: У кишининг олди ва орка пешобидан чикувчи нажосатни кесак, тош ва когоз каби нарсалар билан кеткизиш.

Халога (Бисмиллахи, Аъзуз Биллахи минал-хубси вал-хоба-а-иси) деб чап оёк билан кириш суннатдир.

Халодан ўнг оёк билан чикиб (Бисмиллахи, ал-хамду лил-лахиллазий азхаба аннийл-аза ва а-а-фа-а-ний) деб айтиш суннатдир.

Казойи хожат килаётган кишига чап оёгига тиянган холда ўтириб хожат чикармоги суннат.

Агар у очикликда бўлса, одамлар кўзидан йироклашиб тўсинган холда бўлиши ва ўзига нажосат сачрамаслиги учун майин тупрокли ерни



Ислом Нури

танлаши хам суннатдир.

Заруратсиз Аллохнинг исми ёзилган нарса билан хожатга кириш, у ерда гапириш, жинисий аъзони ўнг кўл билан ушлаш, ўнг кўл билан нажосатдан тозаланиш, чумоли ва бошка хашаротларнинг уяларига сийиш, буларнинг хаммаси макрух амаллардир.

Сахро каби очикликда киблага юзланиб ёки орка ўгириб хожат чикариш харом, девол билан ўралган ерларда жоиз, лекин ундан сакланиш афзалдир.

Йўлларда, одамлар фойдаланадиган соя-салкин жойларда хамда мевали дарахтлар остида ва шу каби ўринларда хожат чикариш харом.

Икки хожат йўлини уч марта тоза кесак ёки шунга ўхшаш нарса билан яхшилаб тозаланади. Агар учтада тоза бўлмаса кўпрок кесак ишлатилади. Кесакни ток ишлатиш суннат.

Мева ва сабзавотлар каби таомлар, хамда хайвонлар тезаги билан нажосатдан тозаланиш харом. Нажосатни кесак, тош, коғозлар билан кеткизиш жоиз. Аввал кесак сўнгра сув билан тозалаш афзал.

Кийимга етган нажосатни ўзини ювиш вожиб. Агар нажосат кийимнинг каерига етгани билинмаса унинг хаммасини ювилади.

Кишининг ўтириб бавл килиши суннат, устига сачраш хавфи бўлмаса тик туриб сийиши макрух эмас.

Фитрат суннатлари

а- Фитратнинг маъноси: Фитрат киши хаётида амал килиб юриши



Ислом Нури

лозим бўлган тозалик одатларидир.

б- Фитрат суннатлари:

1. Мисвок: У огизни тозаловчи ва Роб таъолони рози килувчидир. Мисвокни хар вақт ишлатиш суннат. Тахорат килаётганда, куръон ўқиш, масжидга ва уйга кириш олдидан, уйкудан уйгонганда ва огиз хиди ўзгарганда ишлатиш суннати муаккададир.
2. Жинсий аъзо атрофидаги тукларни олиш.
3. Кўлтик тукларини юлиш.
4. Тирнокларни олиш ва панжалар орасини ювиш.
5. Мўйлабни кискартириш ва соколни борича кўйиш.
6. Сочни ювиб-тараб тоза тутиш. Сочни баъзи кисмини олиб, баъзи кисмини кўйиш макрух.
7. Хатна: Ўгил боланинг жинсий аъзосининг учки кисмини ўраб турувчи ет-пардани кесиб ташлаш.

Аёлларнинг хатнаси: Киз болаларнинг жинсий аъзосининг тепа кисмидаги этни кесиш. Хатна билан шугулланувчи табиблар хар икки ўринни яхши биладилар. Хатна поклик ва озодалик бўлиб унинг фойдали томонлари жуда кўп. Хатна эр кишиларга суннат, аёлларга килиш жоиз бўлган яхши амал.

Тахорат

Тахоратнинг маъноси: У лугатда покликни англатади. Шариатда эса покловчи сувни баданнинг тўрт аъзосига шариатда кўрсатилган махсус равишда ишлатиш.

Тахоратнинг фазилати: Тахоратнинг нақадар улуғлигига



Ислом Нури

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламдан ривоят килинган ушбу хадис далолат килади: «Сизлардан бирингиз тахорат килиб, килган тахоратини мукаммал килса, сўнгра «Ашхаду ан ла-а илаха иллаллоху вахдаху ла шарийка лаху , ва ашхаду анна Мухаммадан абдуху ва росулуху» (маъноси: Хеч кандай хак илох йўк, магар Аллохнинг шериксиз ёлгиз ўзи борлигига гувоҳлик бераман, ва албатта Мухаммад унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бераман) деса унга жаннатнинг саккиз эшиги очилади ва у уларнинг хоҳлаганидан киради» имом Муслим ривояти.

Сувни исроф килмай мукаммал тахорат килиш кишини киёмат кунида тахорат ўринларидан нур таралиб, умматлар ичида ажралиб туриш шарафига муяссар килади. Бунга Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг ушбу сўзлари далолат килади: «Менинг умматим киёмат кунида (тахорат аъзолари) тахорат асарларидан оппок нурланган холларида чакириладилар» Бухорий ва Муслим Абу Хурайра - розияллоху анху- дан ривоят килишган.

Давоми бор.